

**МАХАМАДХОДЖАЕВ Бахромхўжа
Хасанходжаевич**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
ўқитувчиси*

ХАКИМОВ Азимзхон Асрорович

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
стажёр-ўқитувчиси*

АРАБ НАҲВИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

РАЗВИТИЕ АРАБСКОГО СИНТАКСИСА

DEVELOPMENT OF ARABIC SYNTAX

Аннотация. Ушбу мақолада арабий илм-фанлар ичидаги буюк бир фан бўлмиш наҳв илмининг пайдо бўлишига қисқача шарҳ берилади, шунингдек, мазкур фаннинг асосчилари, мактаблари, тарихдаги етук мутахассислари ва энг муҳим масалалар ёритилади. Ушбу маълумотларни тўплаш ва соддалаштирилган шаклда таснифлашдан мақсад, наҳв илмининг пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотларни омма ҳамда илм кишилар учун фойдаланишга қулайлаштиришдан иборатдир.

Калит сўзлар: арабий илм-фан, наҳв, асосчи, мактаб, етук мутахассис, таснифлаш, маълумот, омма, илм кишилар.

Аннотация. В данной статье дается краткий обзор возникновения науки нахв, которая является великой наукой среди арабских наук, а также освещаются основатели, школы, ведущие специалисты этой науки и наиболее важные вопросы. Цель сбора и систематизации этих данных в упрощенном виде — облегчить использование информации о появлении языкознания для общественности и ученых.

Ключевые слова: арабская наука, синтаксис, основатель, школа, ведущий специалист, классификация, информация, общественность, ученые.

Annotation. This article gives a brief overview of the emergence of the science of Nahw, which is a great science among the Arabic sciences, and also highlights the founders, schools, leading experts in this science and the most important issues. The purpose of collecting and

systematizing this data in a simplified form is to facilitate the use of information about the emergence of linguistics for the public and scientists.

Keywords: Arabic science, syntax, founder, school, leading experts, classification, information, public, scientists.

КИРИШ

Ўтмишда араблар табиий соф араб тилида мулоқот қилишар эди ва мазкур тилнинг қонун-қоидаларини баён қилишга эҳтиёж сезишмасди. Кейинчалик Ислом дини келиб араблар ажамлар билан аралашигач уларнинг мулоқотига “лахн”, яъни нотўғри талаффузлар таъсир қилди ва аждодларидан мерос қолган соф араб тилининг асосларидан чиқа бошлашди. Оқибатда нотўғри талаффузлар уларнинг тилига кириб ўрнашди.

Араблар Қуръони карим тили ва сўнгги рисолат томири сифатида Аллоҳ таоло томонидан ихтиёр қилинган очик-ойдин араб тилини сақлаб қолиш мақсадида наҳв илмини, тил қоидаларини тузиб чиқиш устида ишлай бошлашди. Зеро, бу тилдан фойдаланувчи ҳар қандай хорижлик риоя қилиши ҳамда араб фарзандлари лозим тутиши керак бўлган тил қоидаларини тузиш мақсад қилинган эди.

Бу борада Ибн Халдун айтади: “Наҳв олимлари эъроб деб атайдиган нарсаси, яъни сўз охирида ҳаракат ва ҳарфларни ифодалашда хатолар юзага келгач, соф араб тилини биз сўзлаганимиздек соф ҳолда сақлаб қолиш учун қонунлар ишлаб чиқилган. Сўнг тилдаги бузилишдан давом этиб сўзларнинг маъноси ва қўллариш ўрнига таъсир қилди. Мустаърибалар (яъни асли араб бўлмай, арабликни қабул қилганлар) соф араб тилига хилоф равишда атамаларни нотўғри қўллашди, араб тилини бузиб гапириши натижасида кўплаб араб сўзлари қўлланиши керак бўлган ўриндан бошқа ўринларда қўлланди. Шунинг учун, сўзларни ўз ўрнида қўллашга доир китоблар ва рисоалар ёзишга эҳтиёж туғилди. Чунки, вазиятни ўз ҳолида қолдирса Қуръон ва ҳадиси нотўғри тушуниш ёхуд тушунмаслик хавфи юзага келган эди. Кўплаб тилшунос уламолар бу хатарни ҳис қилишди ва бу борада асарлар ёзишди” [4:3].

Бунга қўшимча равишда айтиш мумкинки, тилшунослар ажамларнинг ҳам араб тилини

ўрганишини ишташган, яъни араб бўлмаган кишилар учун Аллоҳ таолонинг китоби тиловат қилиш, тушуниш ва ўрганиш осон бўлишини хоҳлашган. Шунинг учун, уламолар араб тилидаги товушларни, сўзларни ва гапларнинг тузлишини ўрганишга ҳаётларини бағишлаган ҳамда билимларни муҳрлаш учун китоблар ёзишган. Қолаверса, араб тилини аниқ ва тўғри тушунтириш учун қоидалар ишлаб чиқишган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Араб уламолари тилшунослик бўйича тадқиқотлар олиб бориш йўлида ўзига хос ёрқин услубни қўллашди, яъни улар бу ишда ўзларининг дидлари, ақли ва аниқ кузатувларига суянишди. Шунингдек, улар одамлар сўзлашувда қўллайдиган фонетика, морфология ва синтаксисга оид ҳолатларни ўрганишга асосий эътиборларини қаратишди.

Наҳв тушунчаси:

Наҳв сўзининг луғавий маъноси:

Наҳв сўзи луғавий жиҳатдан бир неча маънога далолат қилади, жумладан қасд қилиш, ўзгартириш ва томон деган маъноларни англатади. Мазкур маънолар ичида энг асосийси қасд қилишдир. Чунки, наҳв сўзи Абул-Асвад Ад-Дуалийнинг сўзидан олинган бўлиб, у киши арабий жумлалар ҳақида китоб ёзиб шундай деган:

”... انحو هذا النحو”

яъни “мана шу йўналишни қасд қилинглар”, деган [2:19].

Тилшуносларнинг сўзларидан ҳам шу нарса намоён бўлади. Ибн Форис айтади: “Нун, ҳа, вов ҳарфларидан ташкил топган наҳв сўзи қасд қилиш деган маънога далолат қилади. Шунинг учун ҳам наҳвул калом дейилади. Чунки, у каломнинг, яъни жумланинг асосларини қасд қилади ва арабларнинг одатий сўзлашув тилида мулоқот қилишни ўргатади” [3].

Ибн Манзурнинг Лисонул арабдаги сўзлари ҳам шунга далолат қилади. Яъни, у айтади: “Наҳв қасд қилиш ва йўлдир. Наҳвшунослар наҳв йўлини қасд қиладилар ва араб тили наҳвга интиладилар. Наҳв сўзининг масдари қасд сўзининг масдари кабидир. Илмнинг наҳв йўналиши алоҳида фан сифатида ажратилган”. Ал-Мўъжамул васит луғатида: “Наҳв қасд

қилишдир. Қасд қилдим, йўналдим деган маъноларни англатади”, дейилган [5].

Мазкур таърифлардан кўринадики, наҳв сўзининг асосий маъноси қасд қилишдир. Қолган маънолари эса иккинчи даражали маънолардир. Баъзилар эса ҳиссий жиҳатдан ёндошиб наҳв сўзининг асосий маъноси “ноҳия”, яъни томон дейишади.

Ҳасан Авн айтади: “Бизнинг наздимизда энг тўғри гап шуки, наҳв сўзининг асосий маъноси “ноҳия”, яъни бирор нарсанинг томони деганидир. Шу асосдан келиб чиқиб бошқа маънолар чиқарилган. Наҳв сўзининг феълий шакли йўналмоқ деган маънони англатади ёки қасд қилмоқ деган маънони англатади. Яъни, наҳв феълидаги йўналмоқ, қасд қилмоқ деган маъно билан наҳф исмидаги томон деган маъно ўртасидаги боғлиқлик кундек равшандир”.

Мазкур икки маъно ўртасидаги боғлиқлик кундек равшан бўлса ҳам, биз бунинг энг тўғри қараш деб айта олмаймиз. Зеро бошқа фаразлар ҳам эътиборга моликдир. Қолаверса, юқорида айтилган очиқ-ойдин боғлиқлик фақат битта фикрни маъқуллашимиз учун кифоя қилмайди. Чунки акс ҳолда тилшуносларнинг сўзларини инobatга олмаслигимизга тўғри келади. Зеро, улар мазкур маънони айтишмаган, балки бу маънони сўзнинг иккинчи даражали маъноси эканини айтишган. Қолаверса, кўплаб наҳвшунослар наҳв сўзининг асосий маъносини белгилашда Абул-Асвад Ад-Дуалийнинг сўзига суянишган.

Наҳв сўзининг истилоҳий маъноси:

Наҳв сўзининг истилоҳий маъносининг энг қадимий таърифи Ибн ас-Сирожнинг қуйидаги сўзлари бўлса керак: “Наҳв шундай илмки, сўзловчи киши араб тилини ўрганаётган пайтда мазкур илмни қасд қилиши керак. Ўтмишдаги олимлар араб тили устида изланиш олиб бориб мазкур илмга асос солишган ва ушбу тилда сўзлашган аввалги одамлар қўллаган соф араб тилини баён қилишни мақсад қилишган” [4:36].

Мазкур таърифга кўра наҳв сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари ўртасидаги боғлиқлик кўриниб турибди. Чунки, унда наҳв сўзининг қасд қилиш деган луғавий маъносига ишора бор.

Ибн Жинний эса наҳвни қуйидагича таърифлаган: “Наҳв бу араблар мулоқот қиладиган тилда сўзлашганда турли омилга

кўра йўналишни танлашдир, жумладан эъроб, тасния, жам, таҳқир, таксир, изофа, насб, таркиб ва ҳоказо омилларга кўра сўзлашувда тўғри йўлни шундай танлаш керакки, асли араб бўлмаган кишилар ҳам фасоҳатда араблар даражасига етишсин, талаффуз қилолмайдиганлар ҳам тўғри талаффуз қилсин, соф араб тилидан узоқлашганлар ҳам яна асл араб тилига қайтсин” [6].

Мазкур икки таърифдан кейин наҳвга берилган таърифлардан яна бири Ибн Усфурнинг қуйидаги таърифидир: “Наҳв араблар мулоқот қиладиган тилнинг хусусиятини ўрганиш орқали ундаги тил мезонларини аниқлаш илми бўлиб, тилнинг таркибий қисмларини англашга ёрдам беради”.

Сўнг Ибн ан-Нозим аввалги таърифга баъзи тафсилотларни қўшган. Унинг айтишича: “Наҳв араблар мулоқот қиладиган тилнинг хусусиятини ўрганиш орқали ундаги тил аҳкомларини аниқлаш илмидир, яъни сўзларнинг асл ҳолатини ва мазкур сўзлардан аввал ва кейин келадиган бошқа омиллар таъсиридаги маъно ўзгариш ҳолатларини аниқлаш илмидир”.

Ибн Ўйиш эса қуйидагича таърифлаган: “Наҳв араблар мулоқот қиладиган тилга олиб борувчи қонун-қоидадир”.

Шотибий эса наҳвнинг луғавий ва истилоҳий маъноларининг ўртасидаги алоқани баён қилиб наҳвга шундай таъриф берган: “Наҳвнинг асосий луғавий маъноси қасд қилиш бўлиб, наҳв лаҳннинг зиддидир. Лаҳн тўғрилиқдан юз ўгириш бўлса, наҳв тўғрилиқни қасд қилишдир. Истилоҳий жиҳатдан эса наҳв, араб тилидаги сўзларнинг маъноларга далолат қилувчи ҳолатлари ва шакллари ўрганиш илимидир ёки у араблар мулоқот қиладиган тилнинг хусусиятини ўрганиш орқали ундаги тил мезонларини аниқлаш илмидир”.

Гап шундаки, мазкур таърифларнинг барчаси айнан наҳв тушунчасини аниқ ва тўлиқ ифодаламайди. Шунинг учун, бу таърифларни комил эмас дейишади. Биринчи таърифга эътироз беришларига сабаб, мазкур таъриф наҳвнинг ўзи нима эканини тушунтирмаган, балки унинг манбалари ва яратилиш мақсадини баён қилган ҳолос.

Иккинчи таърифга эътироз билдиришларига сабаб эса, наҳв бу араблар мулоқот қиладиган

тилда сўзлашганда йўналишни танлаш эмас. Чунки бу наҳвнинг мақсади ҳолос. Бошқа таърифларга келсак, уларда эса сарф ва наҳв тушунчалари аралаштириб юборилган.

Наҳв илмининг ўзини ифодаловчи илк махсус таърифни Холид Ал-Азҳарий берган. Унинг таърифича: “Наҳв илми бу эъроб ва ибно жиҳатидан сўзларнинг охиридаги ҳолатларини билиш асосларини ўргатувчи илмидир” [6:12].

Саййид Али Ҳасан Матор мазкур таърифга қуйидагича эътироз билдиради. Ушбу таърифда туслаш тилга олинган бўлса-да, китобларда келтирилган наҳвга мувофиқ келмайди. Чунки, унда мазкур таърифда айтилганидек эъроб ва ибно жиҳатидан сўзларнинг ҳолатларига алоқаси бўлмаган баъзи изланишлар ҳам бор. Саййид Али Ҳасан Маторнинг фикрича наҳв илмининг ўзини ифодаловчи махсус таъриф қуйидагичадир: “Наҳв бу жумладаги сўзларнинг аҳкомларини тадқиқ қилиш илмидир” [7:71].

Наҳв илмининг пайдо бўлиши ва шаклланиши.

Маълумки, наҳв бу сўзларнинг охириги ҳарфлари мўъроб ёки мабний бўлиши жиҳатидан сўзларнинг охиридаги ҳолатларини билиш асосларини ўргатувчи илм бўлиб, сўзларнинг жумла ичида қандай ҳолатда келишини ўрганади. Сўзларнинг мазкур ҳолатларидан келиб чиқиб уларнинг охири рофъ, насб, жар ёки жазм бўлиши кераклигини ёхуд жумладаги ўрнига кўра муайян ҳолатда бўлиши лозимлигини билиб оламиз. Наҳв илми сўзларнинг жумла таркибида бажарадиган вазифасини назорат қилади, яъни сўзлар жумла таркибида фоил, мафъул, мубтадо, хабар ва ҳоказо вазифаларни бажариши мумкин. Дарҳақиқат, наҳв илми жумла таркибидаги ҳар бир сўзнинг вазифасини тушунишга ёрдам беради, чунки мазкур илм жумладаги сўзлар ўртасидаги алоқаларни ўрганишга ва уларнинг маъноларини аниқлашга ҳаракат қилади.

Наҳв илми бу маънолар ҳамда арабий жумла маъносини белгиловчи алоқалардан иборат тизимдир.

Агар илмни киши жумлани таҳлил қила олса ва унинг таркибий қисмларини тушунса, жумланинг маъносини англаш унга қийин бўлмайди. Араб тилида эъроб сўзларнинг вазифаларини белгилашда асосий рол ўйнайди. Ундаги ҳаракатлар сўзларни бир-биридан

фарклар туради ва буларнинг бари исмни феъл ва ҳафрдан ажратувчи сарф қоидаларининг иштироки билан амалга ошади. Қуйидаги ояти каримага эътибор беринг:

أَنَّ اللَّهَ بَرِيءٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ وَرَسُولُهُ

«Албатта, Аллоҳ ва Унинг Расули мушриклардан безордир.» (Тавба сураси, 3-оят)

Мазкур оятни қироат қилишда кўп одамлар хато қилган. Улар араб тилидаги жумла тузилишини тушунмагани ва сўзларнинг грамматик вазифаларини тушуна олмагани натижасида хато қилган бўлишлари мумкин. Баъзи араблар қадимда янглишиб мазкур оятдаги (رسوله) сўзини (المشركين) сўзига “атф қилишган”, яъни мазкур сўзларни уюшиқ бўлак сифатида талаффуз қилиш орқали хатога йўл қўйишган. Мазкур хато натижасида “Албатта Аллоҳ мушриклардан ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан безордир” деган маъно келиб чиқади! Ҳолбуки мазкур оят Аллоҳ тарафидан бу тарзда ворид бўлмаган ва Аллоҳ таоло мазкур нотўғри маънони ирода қилмаган.

Шунинг учун, наҳв илмини диний эҳтиёж сабабли пайдо бўлган дейишимиз мумкин. Чунки, мусулмонлар Қуръони каримни тўғри қироат қилишга ва унинг маъноларини тушунишга ниҳоятда иштиёқманд эдилар. Хусусан, “лаҳн”, яъни нотўғри талаффузлар пайдо бўлгач наҳв илмига эҳтиёж янада кучайди. Аввал зикр қилганимиздек Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида, яъни Ислонинг аввалида лаҳн жуда кам бўлган. Бироқ, Ислон дини турли халқларга етиб борган сайин нотўғри талаффузлар ҳам кўпайиб борган. Хусусан араб бўлмаган халқлар арабликни қабул қилгандан кейин бу нарсаси жуда кенг тарқалган... Мазкур ва бошқа сабаблар араб тилида тўғри гапиришни ва хато қилмасликни ўргатадиган қоидалар жорий қилишга катта эҳтиёжни юзага келтирди. Айниқса Қуръони карим тиловатида лаҳн, яъни нотўғри талаффузлар кириб қолишидан қўрқиш бунга сабаб бўлди. Бу эса наҳв илмига асос солиш, ибораларни қўллаш қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, фасоҳатли жумлалар тузиш, эъробларни белгилаш ҳақида фикрларга туртки бўлди.

Наҳв илмига ким асос солгани борасида турли хил фикрлар мавжуд:

Сирофий айтади: Наҳв илимига ким асос солгани борасида одамлар ихтифолоф

қиладилар. Баъзилар: “Абул-Асвад Ад-Дуалий асос солган”, дейишса, бошқалар “Наср ибн Осим асос солган”, дейишади, яна баъзилар эса: “Наҳв илмига Абдурахмон ибн Ҳурмуз асос солган”, дейдилар. Бироқ, аксарият уламолар Абул-Асвад Ад-Дуалийни наҳв илмининг асосчиси деб биладилар [8:233].

Абул-Асвад Ад-Дуалий наҳв илми бўйича китоб ёзишига қандай сабаб туртки бўлгани борасида турли хил ривоятлар мавжуд. Баъзилар айтадиларки, Абул-Асвад Ад-Дуалий бир кишининг қуйидаги оятни хато ўқиганини эшитиб қолган:

أَنَّ اللَّهَ بَرِيءٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ وَرَسُولُهُ

«Албатта, Аллоҳ ва Унинг Расули мушриклардан безордир.» (Тавба сураси, 3-оят)

Қироат қилган киши мазкур оятдаги (رسوله) сўзидаги лом ҳарфини касра билан ўқиган. Шунда Абул-Асвад Ад-Дуалий: “Одамлар бу аҳволга келиб қолади деб ўйламаган эдим”, деган ва Басранинг волийси Зиёд ибн Абийҳдан бу борада изланишга изн сўраган (Зиёд ибн Абийҳ х. 45-53 йилларда Басра волийси бўлган).

Бошқа бир ривоятга кўра, у Зиёд ибн Абийҳнинг ўғли Убайдуллоҳдан араб тилига оид қоидалар тузишга рухсат сўраган. Убайдуллоҳ отасининг ўлимидан кейин маълум муддат ўтиб Басрага волий бўлган (х. 55-64 йиллар).

Яна бир ривоятга кўра Абул-Асвад Ад-Дуалий Басра волийси Зиёд ибн Абийҳнинг ҳузурига борган ва: “Араблар ажаллар билан аралашиб тиллари ўзгариб кетди. Ижозат берсангиз, араблар ўз она тилини яхши билиши учун бир китоб ёзсам”, деган.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, Басра волийси Зиёд ибн Абийҳ ва унинг ўғли Убайдуллоҳнинг ҳузуринида бир киши араб тилида нотўғри талаффуз қилган. Шундан сўнг Зиёд ибн Абийҳ ва унинг ўғли Убайдуллоҳ биргаликда Абул-Асвад Ад-Дуалийдан одамлар учун араб тилига оид китоб ёзишини сўрашган.

Яна бир ривоятга кўра, Абул-Асвад Ад-Дуалий қизчасининг: ((مَا أَحْسَنُ السَّمَاءِ)) деганини эшитган. Айни пайтда қизчаси савол маъносида эмас, балки таажжуб маъносида гапирган эди. Шунда Абул-Асвад Ад-Дуалий қизчасига: ((مَا أَحْسَنُ السَّمَاءِ)) дейиш кераклигини тушунтирган.

Бошқа бир ривоятга кўра, Абул-Асвад Ад-Дуалий халифа Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга араб тилининг бузилиб кетаётгани ҳақида шикоят қилади. Али ибн Абу Толиб наҳвга оид баъзи кўрсатмаларни айтиб:

«... انْحُ هذا النحو»

яъни “мана шу йўналишни қасд қилинг”, деган. Мазкур гап бу илмнинг “наҳв” деб аталишига сабаб бўлган.

Баъзи ровийлар наҳв илмига асос солишда Абул-Асвад Ад-Дуалийга у кишининг шогирдлари Наср ибн Осим ва Ибн Хурмузлар ҳам шерик бўлганини айтадилар. Забидий айтадилар: “Абул-Асвад Ад-Дуалий, Наср ибн Осим ва Абдурахмон ибн Хурмузлар наҳв илмига асос солишган ҳамда рафъ, насб, хафз ва жазм омилларини зикр қилишган, шунингдек, фоил, мафъул, таажжуб ва музоф бобларига асос солишган” [10:11].

Баъзи олимлар, жумладан Шавқий Зойфнинг фикрича Абул-Асвад Ад-Дуалийни наҳв илмининг асосчиси деган ровийлар хато қилишган. Аслида Абул-Асвад Ад-Дуалий Куръони каримнинг эъроибни кўрсатиб берган, яъни Куръондаги сўзларнинг охири қандай ҳолатда бўлишини қайд қилган. Бу ишни унинг қори шогирдлари давом эттиришган, жумладан уларнинг аввалгилари Наср ибн Осим, Абдурахмон ибн Хурмуз, Яҳё ибн Яъмур, Анбаса Ал-Фил ва Маймун Ал-Акронлар. Мазкур зотларнинг бари мусхафга нукталар қўйиб беришган. Қолганлар шу кишилардан нукталар қўйишни ўрганишган, ёдлашган, қайдлашган ва шу кишиларнинг йўлига эргашишган” [11:6].

Мазкур фикрга қўшимча равишда айтадиларки, улар Куръони карим лафзини ҳимояловчи кўрган бино этишган бўлиб, макур кўрганнинг девори Куръони карим кироатини нотўғри талаффуздан тўсиб туради. Шунинг учун баъзи қадимги олимлар Абул-Асвад Ад-Дуалий ва унинг шогирдларини эъроб қоидаларининг асосчиси деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, улар эъроб белгиларини қўйиб чиқишган, қоидаларини тузишмаган. Шунингдек, улар “ба”, “та”, “са” ва “нун” каби ҳарфларнинг нукларини қўйиб чиқишган ҳолос.

Ровийлар ва мутааххир уламолар ўртасида наҳв илмига ким асос солгани борасида ихтилофлар бўлса ҳам наҳв илмига асос солиниши ва мазкур илмнинг шаклланиши босқичи Басра мактабига тўғри келади. Наҳв илми муайян даражада ривожлангунга қадар Кўфа мактаби зоҳир бўлмаган. Кейинчалик Басра ва Кўфа мактаблари ўртасидаги илмий баҳслар орқали мазкур илм янада ривож топган.

Шу тариқа илм ривожланиб, сайқалланиб, таснифланиб борган, айниқча наҳв илмида Бағдод, Андалус, Миср, Шом мактабларининг пайдо бўлиши бунга ҳисса қўшган. Мазкур ривожланиш босқичларини тарихий жиҳатдан ажратиб кўрсатиш қийин, чунки улар бир-бирига аралашиб кетган. Бу илмдаги етакчиларни санаб ўтиш мумкин ҳолос.

Басра мактабнинг етук намоёндалари: Ибн Абу Исҳоқ, Исо ибн Умар Ас-Сақофий, Абу Умар ибн Ал-Аъло, Юнус ибн Ҳабиб, Халил ибн Аҳмад, Сибавайҳи, Ал-Ахфаш ва унинг шогирдлари, Ал-Мубаррод ва ҳоказорлар.

Кўфа мактабнинг етук намоёндалари: Кисойи ва унинг шогирдлари, Ҳишом ибн Муовия Аз-Зарир, Ал-Фарро, Саълаб ва ҳоказорлар.

Бағдод мактабнинг етук намоёндалари: Ибн Кайсон, Аз-Зужожий, Абу Али ал-Фарисий ва Ибн Жинний.

Андалус мактабнинг етук намоёндалари: Абу Мазо Куртубий, Ибн Усфур ва Ибн Молик

Миср мактабнинг етук намоёндалари: Ибн Ал-Ҳожиб ва Ибн Ҳишом

Мазкур мактабларнинг пайдо бўлишига наҳв илми борасидаги ижтиҳодлар, далиллар ва фикрларнинг кўплиги сабаб бўлган кўринади.

Наҳв мактаблари:

1. Басра мактаби: Басра мактаби шеърлар, мақоллар ва нутқларни ривоят қилишга жуда катта эътибор берган. Шунингдек, қоидалар тузишда ишончли далиллар талаб қилган ва арабларнинг сўзлашув тилига мос келишини, кўп қўлланишини шарт қилган. Агар қоидаларига ҳилоф келувчи матнларга дуч келишса уни ишончсиз эътиборсиз қолдиришган ёки қоидаларига мос келиши учун таъвил қилишган.

Биринчи тўлқин олимлари: Абул-Асвад ад-Дуалий (х. 69 йилда вафот этган), Наср ибн Осим Ал-Лайсий (х. 89 йилда вафот этган), Абдурахмон ибн Хурмуз (х. 117 йилда вафот этган), Абдуллох ибн Исҳоқ ал-Ҳадрабий (х. 117 йилда вафот этган), Яҳё ибн Яъмур ал-Адавий (х. 129 йилда вафот этган), Исо ибн Амр ас-Сақофий (х. 149 йилда вафот этган), Ал-Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий (х. 170 йилда вафот этган);

Иккинчи тўлқин олимлари: Ал-Ахфаш ал-Акбар (Абул Хаттоб Абдул Ҳамид ибн Абдулмажид) (х. 177 йилда вафот этган), Юнус

ибн Ҳабиб ал-Басрий (х. 182 йилда вафот этган), Сибавайхи (х. 180 йилда вафот этган), Яхё ибн ал-Муборак ал-Язидий (х. 202 йилда вафот этган), Ал-Ахфаш ал-Авсат (Абул Ҳасан Саид ибн Мисъадда) (х. 215 йилда вафот этган), Ал-Мубаррид (х. 285 йилда вафот этган), Абул Фазл ар-Райёший (х. 257 йилда вафот этган), Абу Ҳотим ас-Сижистоний (х. 250 йилда вафот этган), Абу Усмон ал-Мазиний (х. 249 йилда вафот этган), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ат-Таввазий (х. 238 йилда вафот этган), Абу Умар ал-Жармий (х. 225 йилда вафот этган), Кутруб (х. 206 йилда вафот этган)

2. Кўфа мактаби: Кўфа мактаби вакиллари турли бадавий ва маданий араблардан ривоят қилишда бу ишга кенг ёндошишган. Ироқ шаҳару қишлоқларида яшовчи арабларнинг сўзларига ва шеърларига таянишган ҳамда фасоҳатли араблардан эшитилган ғайриоддий шеърлар ва сўзларга суянишган. Басра мактаби вакиллари эса мазкур шеърлар ва жумлаларнинг ғайриоддий эканини айтишган.

Биринчи тўлқин олимлари: Абу Жаъфар ар-Руасий, Муъоз ибн Муслим ал-Ҳарро (х. 187 йилда вафот этган), Муҳаммад ибн Абдурроҳман ибн Маҳид (х. 123 йилда вафот этган), Исом ибн Аби ан-Нужуд (х. 127 йилда вафот этган), Ал-Алаа ибн Сийаба шах Муъоз ал-Ҳарро (х. 187 йилда вафот этган), Зухайр ал-Фарқадий (х. 156 йилда вафот этган), Ҳамрон ибн Абъан ат-Тоийал-Мақаррий ан-Нахвий, Саъд ибн Шаддод ал-Куфий.

Иккинчи тўлқин олимлари: Саълаб номи билан танилган Абул Аббос Аҳмад (х. 291 йилда вафот этган), Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Қодим (х. 251 йилда вафот этган), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Қаввал (х. 243 йилда вафот этган), Ибн Саъдон Абу Жаъфар ад-Дарир (х. 231 йилда вафот этган), Абулҳасан Али ибн ал-Муборак ал-Лихяний (х. 220 йилда вафот этган), Абу Закария Яхё ал-Фарро (х. 207 йилда вафот этган).

3. Бағдод мактаби: Доктор Маҳдий Ал-Махзумийнинг фикрича Бағдод мактаби Ал-Мубаррод ва Саълабнинг ўртасида баҳс-мунозалар пайдо бўлган пайтда вужудга келган. Доктор Маҳдий Ал-Махзумий айтадики, мазкур мактабнинг пайдо бўлишида икки мактаб уламоларининг фикрлари ўрганилган, икки мактаб ютуқларидан фойдаланилган, яъни Бағдод мактаби аслида Басра ва Кўфа

мактабларининг илмий ютуқларинини саралаб олиш натижасида пайдо бўлган. Басра мактабнинг етук намоёндолари: Камолиддин ибн Ал-Анбарий (х. 577 йил вафот этган), Абу Муҳаммад Саид ибн Ад-Даҳхон (х. 569 йилда вафот этган), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Ал-Хашшоб (х. 567 йилда вафот этган), Ҳибатуллоҳ ибн Али ибн Аш-Шажирий (х. 547 йилда вафот этган), Маҳмуд ибн Жоруллоҳ аз-Замахшарий (х. 538 йилда вафот этган), Али ибн Исо Ар-Рибъий (х. 420 йилда вафот этган).

4. Андалус мактаби: Нахв илмидаги Андалус мактаби ҳақида илк бор сўзлаган замонамиз олими хойнаҳой доктор Шавқий Зойф бўлса керак. У киши «Ал-Мадарис ан-Нахвия» китобида шундай дейди: «Андалусдаги нахв олимларининг энг биринчиси Жуди ибн Усмон Ал-Мурурийдир. У зот Шарққа сафар қилган ва Кисой ва Фарродан илм олган. Сўнг юртига илк бор Кўфа мактабнинг китобларини олиб келган ҳамда у ерда илк бор нахв илми бўйича китоб ёзган ва х. 198 йилда вафот этгунга қадар шоғирдларига дарс берган» [12:88-89].

5. Миср мактаби: Ушбу мактаб Миср ва Шом диёрларидаги нахв илмига оид изланишларни ўз ичига олади. Миср мактаби Андалусда араб давлати қулагандан кейин пайдо бўлган. Ўшанда франклар Гренадани эгаллаб олишган. У ердаги араблар Миср, Шом, Марокаш, Жазоир, Тунис ерларига қочишган. Миср ва Шом диёри уламоларнинг паноҳгоҳига айланган.

ХУЛОСА

Араб мамлакатларида ҳозирги даврда адабий тилни ўрганиш асосан араб тилшунослиги анъаналари тамойилларига асосланади. Лексикология оид олиб борилаётган илмий изланишлар 21-асрда ҳам давом этмокда. Сўзни ўзак асосида топишга мўлжалланган луғатлар билан бир қаторда луғат тузишнинг Европа анъаналарига хос бўлган янгича турлари ишлаб чиқилмокда. Европа лексикографиясида қабул қилинган алифбо тамойили бўйича тузилган луғатлар сўзларни жойлаштириш тизими бўйича ишлаб чиқилмокда. Таҳлилнинг янги усуллари жорий этилмокда, тарихий ёндашув шаклланмокда, араб шевалари ҳам илмий тадқиқот объектига айланиб бормокда. Адабий тил ва шеваарнинг ўзаро боғлиқлиги, лингвистик прогнозлаш ва

лингвистик муаммолар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда, Юсуф ас-Сауданинг асаридаги “Араб тилидаги янги грамматик қоидалар” асари дунёдаги араб тилшунослари орасида таянч манба сифатида қўлланиб келинмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

۱. ابن الحاجب، أبو عمرو عثمان بن عمر بن أبي بكر بن يونس دون تاريخ الإيضاح في شرح المفصل، تحقيق وتقديم: د. موسى بناني العلي، دون ذكر، للطبعة، مطبعة دار الغاني، بغداد، العراق.
۲. ابن السراج، أبو بكر، محمد بن السري بن سهل، ۵۰۴ هـ، الأصول في النحو تحقيق: د. عبد الحسين الفتلي، الطبعة الأولى، مؤسسة الرسالة، الطبعة الأولى.
۳. ابن جني، أبو الفتح، عثمان، دون تاريخ الخصائص تحقيق محمد علي النجار، دون ذكر للطبعة، المكتبة العلمية.
۴. ابن خلدون، دون تاريخ المقدمة، تحقيق: علي عبدالواحد وافي، ط۳، القاهرة، دار نهضة مصر للطبع والنشر، ج ۳.
۵. ابن فارس، أحمد بن فارس بن زكرياء القزويني الرازي أبو الحسين ۹۷۹ م، مقاييس اللغة تحقيق عبد السلام محمد هارون، دون ذكر للطبعة دار الفكر.
۶. ابن منظور، محمد بن مكرم بن علي، أبو الفضل، جمال الدين ۴۱۴ هـ، لسان العرب، الطبعة الثالثة، دار صادر، بيروت، لبنان.
۷. ابن هشام، عبدالله بن يوسف بن أحمد بن عبد الله بن يوسف أبو محمد جمال الدين ۵۸۹ م، مغني اللبيب عن كتب الأعراب، تحقيق: د. مازن المبارك، ومحمد علي. حمد الله، دار الفكر، الطبعة السادسة، دمشق، سوريا.
۸. ابن يعيش (ت ۳۴۶ هـ)، أبو البقاء، يعيش بن علي بن يعيش بن أبي السرايا، موفق الدين الأسدي، ۱۰۰۲ م، شرح المفصل، تحقيق: د. إميل يعقوب، الطبعة الثانية، دار الكتب العلمية، بيروت، لبنان.
۹. أبو الطيب اللغوي، عبدالواحد بن علي، دون تاريخ طبقات النحويين واللغويين؛ تحقيق: محمد أبو الفضل إبراهيم، الطبعة الثانية دون ذكر لدار الطبع.
۱۰. أبو المكارم، علي ۵۰۰ م، تقويم الفكر النحوي، دار غريب، القاهرة، مصر.
۱۱. الأزهر، خالد بن عبدالله بن أبي بكر بن محمد بيروت، لبنان. الجرجاوي، ۲۰۰ م، شرح التصريح على التوضيح، الطبعة الأولى، دار الكتب العلمية.
۲۱. الجمحي، محمد بن سلام بن غبيدالله دون تاريخ، طبقات فحول الشعراء، قرأه وشرحه أبو فهر محمود شاكور، دون ذكر للطبعة دار المدني.
۳۱. الخصري، محمد بن عفيفي، الباجوري، دون تاريخ حاشية الخصري على شرح ابن عقيل على ألفية ابن مالك، دون ذكر للطبعة، دار الفكر. بيروت، لبنان.
۴۱. الخوارزمي، محمد بن أحمد بن يوسف أبو عبد الله، ۹۸۹ م، مفاتيح العلوم، تحقيق إبراهيم الأبياري، الطبعة الثانية، دار الكتاب العربي، بيروت، لبنان.
۵۱. الدقيقي، سليمان بن، بنين ۵۸۹ م اتفاق المباني واقتراق المعاني، تحقيق: د. يحيى عبد الرؤوف جبر، الطبعة الأولى، دار عمار للنشر والتوزيع، عمان.
۶۱. سبويه، عمرو بن عثمان بن قنبر ۸۸۹ م الكتاب: تحقيق عبد السلام محمد هارون، الطبعة الثالثة، مكتبة الخانجي، القاهرة، مصر.
۷۱. شوقي ضيف، بدون تاريخ المدارس النحوية، الطبعة السابعة، دار المعارف.
۸۱. عبد العال سالم مكرم، ۳۹۹ م، الحلقة المفقودة في تاريخ النحو العربي، الطبعة الثالثة، مؤسسة الرسالة.
۹۱. قريرة توفيق، ۳۰۰ م، المصطلح النحوي وتفكير النحاة العرب، الطبعة الأولى، دار محمد. علي للنشر.
۱۰۲. مجمع اللغة العربية، دون تاريخ المعجم الوسيط، دون ذكر للطبعة دار الدعوة.
۱۲. الملح، حسن، خميس، ۲۰۰ م التفكير العلمي في النحو العربي، الطبعة الأولى، دار الشروق للنشر والتوزيع.